





Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИАҲОЛИНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг çekланган сонини 30 тага оширган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларида 2 нафар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида 4 нафар штат бирлигидан иборат дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўбалари ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири (А. Шадманов) икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг тузилмаларига ўзгаришлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзфармсанот" ДАК билан биргаликда бир ой мuddатда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини танқидий қайта қўриб чиқиб, натижаси бўйича шифокорнинг қатъий рецептига асосан сотиладиган дори воситаларини рўйхатга киритиш орқали уни келгусида заруратга қўра янгиланиш инобатга олган ҳолда мақбуллаштириш бўйича тақлифлар киритсин;

Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда касалланиш, беморлар сони, даволаниш курслари ва бошқа мезонларни инобатга олган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг самарали методологияси, шунингдек, ман-

фаатдор вазирлик ва идоралар, фармацевтика корхоналари ва улгуржи ташкилотларга эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни етказишни назарда тутувчи Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси бир ой мuddатда белгиланган нархни шакллантириш жараёнига курс фарклари ўзгаришининг таъсирини камайтиришни назарда тутган ҳолда Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари савдо номилари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассисларни жалб этган ҳолда бир ой мuddатда "Ўзфармсанот" ДАК ва унинг тизимига кирувчи корхоналарнинг фаолиятини, шу жумладан, ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархлари шаклланишини, шунингдек, корхоналарни ишлаб чиқарувчи деб тан олиш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражасини танқидий ўрганиб чиқсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ҳафта мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўбалари штат

жадвалини тасдиқласин ҳамда олий фармацевтика маълумоти ва фармацевтика соҳасида камиди уч йиллик меҳнат стажига эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, "Ўзэлтехсанот" АК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой мuddатда дорихоналар ва уларнинг филиалларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича янгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда дорихоналарнинг амалдаги лицензиялари қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланадиган, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўнун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархини шакллантириш тартиби қўпол бузилганлиги оқибатида лицензияси тугатилган до-

рихоналар манзиллари ва қўнунбузилишларга бевосита алоқадор ходимлар (про-визорлар, фармацевтлар)нинг барча учун очиқ бўлган ягона реестрини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссиялар Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар ойда дорихоналарнинг ягона манзиллар реестри ва ходимлар (провизорлар, фармацевтлар)нинг реестрига киритиш учун маълумотларни тақдим этиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Ҳусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда:

ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида ўзининг ижтимоий дорихона тармоқларини ташкил этиш;

фуқаролар томонидан дори воситалари назоратсиз қўлланилишининг, шу жумладан дори воситаларини фақатгина шифокорлар рецепти асосида сотиш тўғрисидаги талабларнинг сўзсиз баҳарлилигини таъминлаш орқали олдини олиш, Рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситалари бундан мустасно;

шифокор рецепти бўйича бериладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситаларининг сотилишини мониторинг қилишни таъминловчи ахборот тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (А. Н. Юнус-

ходжаев) ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини ва республиканинг даволаш-профилактика муассасаларини улар билан таъминлаш аҳолини мониторинг қилиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этсин.

Ишчи гуруҳи мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, шу жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланган нархларга риоя қилишнинг аҳамияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қўнун ҳужжатларига ўшб қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 17 июль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига шарҳ

Фуқароларни арзон нархларда зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолини арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг нархларини суъний ошириб юбориш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жумладан, улгуржи савдо учун – сотиб олинган қийматнинг 15 фоизидан қўп бўлмаган миқдорда, чакана савдода эса – улгуржи нархнинг 20 фоизидан қўп бўлмаган миқдорда чекланган савдо устамалари белгиланди.

Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотишнинг тизими жорий этилди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш мақсадида тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот-

ларни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Шу билан бирга, аҳолини зарур дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш аҳолига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор жиддий хато ва камчиликлар қузатилмоқда, жумладан:

амалдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишдаги ортқича тартиб-таомиллар уларни етказиб бериш мuddатларининг суъний кечиктирилиши ва ички бозордаги тақчиллиги юзага келишига олиб келмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни белгилаш бўйича аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги импорт ва маҳаллий ишлаб чиқариш мувозанатини таъминлаш ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни прогноз қилиш имконини бермаётган;

импорт қилинаётган ва республикада ишлаб чиқарилаётган ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига чекланган

нархларни белгилаш тартибининг мукаммал эмаслиги қузатилмоқда; фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмаганлиги маҳаллий фармацевтика корхоналарининг импорт хом ашёси ва материалларига юқори даражада қарамлиги юзага келтирмоқда, оқибатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг нархлари кескин ошмоқда;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш учун лицензия бериш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаган, бу лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Президентининг томонидан қабул қилинган ўшб қарорда аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг тақчиллиги вужудга келишига йўл қўймасликка қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга

ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, ўшб қарорга мувофиқ 2017 йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш фақатгина "Ўзмед-экспорт" республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Ўшб қарорда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини жорий йилнинг иккинчи ярмида қўшимча эҳтиёждан келиб чиқиб етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Бундан ташқари, тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаш сифатини янада ошириш мақсадида ўшб фаолиятнинг фақатгина давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиш шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-

лари томонидан амалга оширилади.

Ўшб мақсадларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўбалари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта қўриб чиқиб, натижаси бўйича уни мақбуллаштириш юзасидан тақлифлар киритиш; Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб; Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситаларининг савдо номилари ва тиббиёт буюмларига белгиланган улгуржи ва чакана нархларни ўрнатиш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлиф киритиш; дорихоналар ва уларнинг фили-

алларини товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шунингдек, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш вази-фалари юклатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, аҳолини ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихона тармоқлари ташкил этилиб, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини белгиланган нархларда сотиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Умуман олганда, қабул қилинган қарор фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатаятган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш имконини беради.

"Ёшлар – келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолият олиб борадиган янги ташкилотнинг вилояти-миздаги аъзолари ёшлар-мизни бу борада бирлашти-риб, янги-янги марралар сари руҳлантириши, ушаламган орзу-ниятлари рўйбга чиқиши-га қўмаклашиши шубҳасиз. Бу йўлда уларга ким етакчилик қилади? Гарданига катта масъулият юкланадиган бу ишни ким талаб даражасида уддалай олади? Кўрсатилаётган номзод муносибми?

Йиғилишда шу каби – савол тарзида ўртага ташланган фикрларга иштирокчилар, хусусан, ёшлар иттифокнинг Қибрай ва Оҳангарон туманлари бошланғич ташкилотлари етакчилари Камола Исмоилова, Азиз Қўшбоев, янги-йўллик спортчи Феруза Турсунбоева, Чирчиқ шаҳрида яшовчи, айни кунда абитуриент Дилнавоз Нажимова, тадбиркор йигит Махмудали Рўзиев ўз муносабат ва қарашларини билдиришди. Улар бир неча йилдан бери ёшлар ташкилотиде самарали фаолият юритиб келаятган, кўплаб муаммолар ечим топишда ташаббускорлик кўрсатган Дониёр Каримов номзодини ёқлашди.

– Номзодни анча вақтдан бери биламан, – дейди "Камалак" болалар ташкилоти сардори Паризода Абдуллаев.

КЕЛАЖАК  
БУНЁДКОРЛАРИ  
АНЖУМАНИ

дейди ёшлар иттифоқи аъзоси Махмуд Нурметов. – Айниқса, ёшларнинг келажакдан умиди катта. Куч-ғайрати ичига сиймайди. Шундай пайтда уларга тўғри йўл кўрсатиш, қанот бағишлаш, қўмақдош бўлиш жуда муҳим. Д. Каримов бу борада фаоллик кўрсатишига, иттифоқ ишини тўғри ташкил этишига ишонаман.

Тадбирда қатнашган масъул раҳбарлар шундай муҳим палла – ёшлар иттифокнинг вилоят Кенгаши раисини сайлаш жараёнида фаол бўлиш, танловда адашмаслик зарурлиги, кўрсатилган номзод мазкур масъулиятли, шу билан бирга шарафли вазифага ҳар кихатдан тайёр ва муносиб

бўлишига жиддий эътибор қаратиш кераклигини таъкидладилар. Зеро, бугунги кун ёшларини бир нарсасга ишонтириш, қизиктириш, бир ғоя атрофида бирлаштириш, ортдан эргаштириш осон иш эмас. Уларнинг дунёқарашини кенг, фикрлаши ўзгача.

Ёшлар анжумани иштирокчилари Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси таркибини ҳам тасдиқлади. "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Ҳакимжон Ҳамидов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Намоз Рўзиков, Занғиота тумани ҳокими Саъди Шерматов ва бошқалар ёшлар иттифокнинг вилоят Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ўз маслаҳат ва тақлифларини берди.

Хуллас, янгича руҳ, шижоат ва тартибда, барча зарур шарт-шароит яратилган замонавий бинода фаолият бошланган Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг Тошкент вилояти Кенгаши жамоаси ҳам туман ва шаҳарларимиз, қишлоқларимизда истикомат қилувчи фарзандларимизни ягона мақсад – Ватанимиз тараққиёти, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўиши йўлида бирлаштиришга шубҳа йўқ.

Ҳолмурод САЛИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

сий мақсадимиз – бу борада Юртбошимиз белгилаб берган вазифаларни талаб даражасида бажариш, ёшларимиз фаоллигини таъминлаш, ҳамкорликни ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, вилоятимиз, мамлакатимиз янада тараққий этишига муносиб ҳисса қўишдир.

Ёшлар анжумани иштирокчилари Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси таркибини ҳам тасдиқлади.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Ҳакимжон Ҳамидов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Намоз Рўзиков, Занғиота тумани ҳокими Саъди Шерматов ва бошқалар ёшлар иттифокнинг вилоят Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ўз маслаҳат ва тақлифларини берди.

Хуллас, янгича руҳ, шижоат ва тартибда, барча зарур шарт-шароит яратилган замонавий бинода фаолият бошланган Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг Тошкент вилояти Кенгаши жамоаси ҳам туман ва шаҳарларимиз, қишлоқларимизда истикомат қилувчи фарзандларимизни ягона мақсад – Ватанимиз тараққиёти, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўиши йўлида бирлаштиришга шубҳа йўқ.

Ҳолмурод САЛИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

## АЁЛ КЎЗИ ЁШЛАНМАСИН

Сир эмаски, хотин-қизлар орасида ҳам ҳаётнинг паст-баланд йўлларида, жамиятнинг мураккаб синовлари олдиде билиб-билмай хатога йўл қўяётган, баъзан тўғри йўлдан оғиб, ёт йўлларга эргашиб қолаётган ва жиноят кўчасига оралаганлари ҳам йўқ эмас. Ҳамма ҳам адашиши, хато қилиши мумкин. Энг муҳими эса, буни ўз вақтида англаб, тўғри йўлга қайтишдир.

Шундай экан, қўлимидан боши ҳам бўлиб, пушаймонлиқ қалбини ўртаётган ана шундай адашган аёлларни яна ўз оиласига, жамиятга қайтишига қўмаклашиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз ва давр талабидир.

– Қарийб беш йил умрим жазони ихро этиш муассасасида ўтди, – дейди янги-йўллик Гулнора Комилова. – Озодликка чиққач, жамият мени қандай қабул қилишини ўйлаб, қалбим ҳадикка тўла эди. Лекин бу йўларнинг ҳаммаси беқор экан. Мута-садди ходимлар ҳужжатларни расмийлаштириш ва иш-топишда амалий ёрдам кўрсатишди. Ойлам бағрига қайтиб, ҳозир тикув це-хиде ишляпман. Икки нафар фарзандим бор. Оддий



тикувчилик билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Кредит олиб, яқна тартибдаги тадбиркор сифатида ўз ишимни очмоқчиман.

– Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ишлаши учун қулай шароитлар яратиб бериш, қасана-чилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга қўмаклашиш бўйича аниқ режалар асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси бош мутахассиси Қобул Раҳматов. – Бу йил 55 нафар аёл жазони ихро этиш муассасасидан озод-ликка чиққан бўлса, ҳозир 35 нафарга яқинининг бандли-га қайтиб, ҳозир тикув це-хиде ишляпман. Мутахас-сислиги йўқ ва малакаси етарли бўлмаганлари ўқув марказларида ўқитилиб, ишга жойланади. Албатта,

бу жараёнда ёрдамга муҳтож аёлларнинг ҳар бири қамраб олинади. Тадбирда мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётган, оиласи, фарзандлари келажакнинг юрт раънақи билан муштарак билган аёллар сафи тобора кенгайиб бораётгани, ҳаётда учраётган айрим муаммо ва масалаларини ҳал этишда маърифат ва маънавият бош омил бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда қатнашган хотин-қизлар ўзларини ўй-лантираётган масалалар ва қизиктирган мавзулар бўйича атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Мансур ХИММАТОВ олган сурат.



# ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 13 июнь кунин суд органлари тизимини одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳоли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида тўхталиб, истиқболдаги вазифаларни белгилаб берди.

## Муносабат

"Бугунги кунда халқимиз кутатган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу маънода, ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак. Судья давраларда мен судьяман, дейишга маънавий ҳаққи бўлиши керак, деб ўйлайман", дея фикр билдирди Президентимиз.

Яширишнинг ҳолати йўқ, айрим нопок, тамагир, ноҳол судьяларнинг хатти-ҳаракати кишида нафрат уйғотиши баробарида бошқа адолатли судьялар ҳақида ҳам салбий тасаввурни пайдо қилмоқда. Айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар адолат мезонларига ҳилоф равишда қарорлар қабул қилган ҳолатлар учрамоқда.

Судья пок, ҳалол, тўғри бўлмоғи, ҳолис қарор чиқариши зарур. У ҳалол ишласа,

номи шу халқ ёдида қолади, одамлар бир умр эслаб қоради.

Йиғилишда кадрлар масаласи ҳам бежиз тилга олинмади. Дарҳақиқат, ҳозир бу оғрикли нуқталаримиздан ҳисобланади. Малакали ва тажрибали судьялар етишмайди. Президентимиз кадрлар сисбатини 3 та бўғинда ташкил этиш фикрини илгари сурди. Яъни, устоз ва шогирд аъёнаси, катта, ўрта ва кичик авлод тизими йўлга қўйилишини алоҳида қайд этди. Бу жуда ҳам ўринли.

Шунингдек, адолат ва маънавият – ўзаро ҳамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият йўқ жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилди. Судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ихтисослашган ўқув муассасаси – Одил судлов академиясини ташкил этиш ҳақидаги таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Зарурат туғилса,



бу ишга узоқ йиллар фаолият юритган, хорижий ҳамкасблар таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечишга ундамоқда. Негаки, бу одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатдир. Судланувчи суднинг ўзида оқлангани ёки айбдор деб топилиши айтилди. Суд ҳокимияти илгарики жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиладиган, ҳақиқатдаги демократик ўзгаришларни ифода этувчи муҳим институтга айланиши керак.

Юртбошимиз бизга катта ишонч билдирди. "Ҳамма ҳам судья бўла олмайд, бу юксак мартаба. Сизлар бахтли инсонсизлар", деган фикрлари мени тўлқинлантириб юборди. "Бундан буён судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беради", деди давлатимиз раҳбари. Шу сабабли танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шайх жавоб-

гарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида ишлайётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалик қоидаси бўлиши шарт. Асосий мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, судни том маънода "Адолат кўргони"га айлантиришдан иборат.

Ҳозирги кунда бирон бир одамга "Судьяга бор, ишинг қонуний ҳал бўлади", десангиз, қўл силтайди. Сегганингиздек, одамларнинг судга, судьяга нисбатан муносабатини тамоман ўзгартириш пайти келди. Бунинг учун судьялар халқ ичига кириб бориши керак. Токи, судья давлат томонидан иш қўраётганини унутмаслиги даркор.

Судья ҳукми, ақрими ва қарор қабул қилиш пайтида адолат тамойилларига ва қонун меъёрларига қатъий амал қилсагина, ҳақиқатда қонун устуворлиги таъминланади, энг асосийси, одамларнинг дав-

латга, судьяга ва қонунга бўлган ишончи ортади. Президентимиз ҳар бир судьядан айнан шуну талаб қилапти.

Келгусида ўзимиз учун аҳоли билан жойларда бир ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиш, ўз фаолиятимиз юзасидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот беришни белгилаб олдик. Оммавий ахборот воситалари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдормиз.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фуқаролар билан учрашувлар ташкил этиш, сайёр суд мажлисларини ўтказиш белгиланган. Сайёр судларда судланувчи га маҳалла, қўни-қўшни, эл-юрт баҳо беради. Ота-онаси, иш ёки ўқишдаги раҳбарлари бўлади. Уят ўлимдан қаттиқ, дейишади. Сайёр судларнинг тарбиявий аҳамияти катта, таъсири кучли.

Инсон тақдирини ҳал этишда судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши шарт. Биз – судьялар Президентимизнинг соҳа ходимларига юзланиб, айтган сўзларидан тегишли ҳулоса чиқариб, фаолиятимизни бутунлай янгиланаётган ҳақиқат қўяётган талаблар асосида тубдан ислоҳ қилишимиз даркор. Эл-юрт дарди билан яшамаётган, ҳолислик, ҳалоллик ва ватанпарварлик туғилуларидан йироқ бўлган судьяга ораимизда ўрин йўқ.

**Исматулла МАМАНОВ,**  
маъмурий ишлар бўйича  
вилоят судининг судьяси.

## Эъзоз

"Қариси бор уйнинг париси бор" деймиш. Ҳалол меҳнат қилиб, фарзанд тарбиялаб, эл-юрт қорига яраб яшаётган ҳар бир инсон кексайганда ҳурмат-иззат қўриб, эъзозланиб, ҳаётидан рози бўлиб яшашга муносибдир.



## ШУКРОНАЛИҚДА ҲИҚМАТ КҮП

Шу боис ҳам, мамлакатимизда кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Оҳангаронлик Ҳоҳар ая Имонова тумандаги Камак қишлоғида яшайди. Онахон бу йил юз ёшга қаршилади. Шунга қўра, туман "Нуроний" жамғармаси ходимлари онахонни бир асрлик доvon билан қутлаш учун хонадонига ташриф буюрди.

Кўзлари тийрак, сўзи-ю ҳар бир хатти-ҳаракатида улғурлик, кексаларга хос донишмандлик акс этиб турган ая дуога қўл очар экан, меҳрга йўғрилиган сўзи кишига бекиёс куч, руҳий мадад беради.

– Бизни шунчалик ардоқлаган давлатимизга, Юртбошимизга минг раҳмат, – дейди Ҳоҳар ая Имонова. – Минг шукр, бугунгидек дориламон кунларни кўриш насиб этди. Ёшларимизнинг йўлини берсин, элуртишимизга кўз тегмасин. Буларнинг барчаси муқтадирлик, тинчлик-осойишталик шарофатидир. Бу йил шу ҳудуддаги Икболхон ая Ёдгоров ая Ҳидирова ҳам шундай улғур ёшга қарши олишмоқда.

– Президентимизнинг "Ўзбекистон фахрийлари" ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жам-

ғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида "Ғи Фармони кексаларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликни янги сифат босқичга кўтарди, – дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раиси Абдураззоқ Ҳоҳаров. – Ушбу Фармон асосида кекса авлоднинг оила ва маҳаллардаги тинчлик, осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик аъёналарига ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ролини янада оширишга йўналтирилган ижтимоий фаолиятга жалб этиш борасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, катталарга иззат, кичикларга меҳр, ота-оналарга эъзоз каби инсонни улғуландирган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қиладиган қадриятларимиз одамлар, айниқса, ёшлар қалбидан чуқур ўрин олиши кишини қувонтиради. Зеро, бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўтабар қарияларимизнинг улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлини қўлагани қарияларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилиши ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

**Райхон САЛАЕВА.**

## Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотихорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан туман ва шаҳарларимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

## ҲАЁТ ВА ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ



Бўстонлик туманида виллоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институт виллоят бўлимлари ҳамкорлигида "Соғлом оилага – маънавий соғлом авлод билан!" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди.

Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, тиббиёт бirlашмаси шифокорлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад аҳоли, тиббиёт, ёшларнинг айланиш маданиятини ошириш, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш, шунингдек, бўлажак оналарга соғлом фарзандни дунёга келтириш йўлида тиббий маслаҳатлар бериб беришдан иборатдир.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бу йўналишда кенг қўламли

ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда оила қўриш ёшидаги йигит-қизларимизнинг тафаккури ва онгини ўстириш, уларнинг оила, никоҳ масалаларида масъулиятини ошириш доимий эътиборини талаб қиладиган вазифадир. Эркин мулоқот тарзида бўлиб ўтган учрашувда ана шулар тўғрисида фикр-мулоҳазалар алмашилди, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, маънан етуқ, ҳиссонан соғлом фарзандларни воғга етказиш мавзуларида маърузалар тингилди.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга грант лойиҳаси асосида тайёрланган махсус дастурий қўлланма ва буклетлар тарқатилди.

Бундай тадбирлар виллоятимизнинг Бекобод, Қўйи Чирчиқ ва бошқа туман ҳамда шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

**Юлдузхон МУХИДДИНОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

## НАВБАТ – ЖАҲОН БОЗОРИГА

Мамлакатимизда тери хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш, рақобатбардор пайвезал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, соҳа корхоналарига инвестицияларни кенг жалб қилиш, илғор технологияларни ҳори эйтиш, корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Ислоҳот

Президентимизнинг 2016 йил 15 сентябрдаги "2016-2020 йилларда чарм-пайвезал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бўйича бўйича ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарорга мувофиқ, хорижий ҳамкорлар учун энг аввало, малака ва тажриба, шу билан бирга бўлган ишнинг асосий ўрин тутди. Бу борасида технолог Ҳошим Бегайев ҳамда мутахассис Аббор Ишонхоновнинг соҳа ишларида бой тажрибалари корхонанинг муваффақиятида асос бўлмоқда.

Эришаётган натижаларимиз яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, янги режалар сари ундамоқда, – дейди корхона иш юритувчиси Махаммадхон Абдураҳимов. – Авваллари тери оғир қўл кучида қайта ишланарди. Бугун бу жараён бутунлай янгила, замонавий технологиялар асосида, инсон соғлиғига зарар-



сиз амалга оширилади. Терини қайта ишлаш дастгоҳларини Италия ва Россия давлатларидан келтирганмиз. 14 нафар ишчимизнинг ҳаммалари ўз ишининг устаси. Улар оддий тери сифатли чарм маҳсулотига айлангунча бўлган кетма-кет жараённи, махсус техникалар ёрдамида моҳирлик билан бажарадилар.

Ишчиларимиздан Баҳодир Ҳайдаров, Жамшид Нуриддиновлар меҳнатсаварликлари билан алоҳида ўрнат қўрсатишмоқда. Ишчиларимизнинг изланувчанлиги туфайли маҳсулотларимизнинг тури ҳам кўпайиб бормоқда. Бугунги кун-

Реклама ва эълонлар

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик макомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маъсул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-м-сон қарори билан тасдиқланган 115-иловасига мувофиқ 1-K shakli (ташкilot фаолияти тўғрисида)ги ҳисоботини ҳар ойнинг 2-санасидан кечиктирмасдан (Тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирма ва кичик хўжалик ишлаб чиқарувчилардан ташқари), уларнинг алоҳида бўлиналари ва нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича)) eStat 2.0 автоматлаштирилган тизим орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишингиз юзасидан огоҳлантириб ўтмаиз.

eStat 2.0 автоматлаштирилган тизимда 1-K shakli давлат статистика ҳисоботининг электрон шакли (шаблон) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтидан олинди. Шунингдек, бошқа турдаги тақдим қилиниши лозим бўлган ҳисобот шакллари рўйхатини олиш учун Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти [www.stat.uz](http://www.stat.uz) га кирган ҳолда у ердаги хизматлар бўлимидан шакллар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкilotнингизни хос КТУТ ёки СТИР кодларини терган ҳолда олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб қўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳисобот тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати бошқарманинг расмий веб-сайти [www.toshvilstat.uz](http://www.toshvilstat.uz)га жойлаштирилган.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

## "PRIME REALTY" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 21 август кунин соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган дахлатлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

"TO'RAJON TABARRUK" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудуди бўйича 4,39 Га. ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 29 732 000 сўм бўлган, 2300 туп узум қўчатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар;

Тожиқўжаев Қодирхўжага қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудуди бўйича 2,02 Га. ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 6 550 000 сўм бўлган, 650 туп узум қўчатлари, 120 туп олма дахлатлари, 200 туп шпанка дахлатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар;

Тожиқўжаев Нодирхўжага қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудуди бўйича 3,39 Га. ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 7 250 000 сўм бўлган, 600 туп 7 см. диаметрга-ча олхўри дахлатлари, 600 туп 12

см. диаметргача гилос дахлатлари, 30 туп 8 см. диаметргача ўрик дахлатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар.

Маъжур дахлатлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар сотилмай қолса, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент вилояти, Келес шаҳри, Зангиота тумани ҳокимияти биносида ўтказилади. Маъжур мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида қўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдосида олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархининг 5 (беш) фоиз миқдориди комиссиясига йўғиш тўлаши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закатат қелишувиға

асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг ХАБ "Трастбанк" Яккасарой филиалида МФО 01098, ИНН 304844964, 20208000200765990001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида қўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахс-лардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг ишловини тасдиқлайдиган ҳужжат хилофи қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар қўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдориди тўлов олинмади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Х. Олимжон кўчаси, 13-А уй. Тел.: (0599) 858-61-12. E-mail: [info@primerealty.uz](mailto:info@primerealty.uz), [www.primerealty.uz](http://www.primerealty.uz). Лицензия рақами РЯ 0285.

## "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖда 2017 йил июнь ойида ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига қўра сотилган мулклар:

1. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 55-уй манзилида жойлашган бино-ишотлар. Бошланғич баҳоси – 7 999 690 847 сўм, сотилиш баҳоси – 8 375 000 000 сўм.
2. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ, Заркент массивида жойлашган 130-сонли ер участкаси. Бошланғич баҳоси – 167 306 сўм, сотилиш баҳоси – 260 000 сўм.
3. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ, Заркент массивида жойлашган 200-сонли ер участкаси. Бошланғич баҳоси – 167 306 сўм, сотилиш баҳоси – 300 000 сўм.

**Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернет-даги манзили – [www.thtp.uz](http://www.thtp.uz) орқали ҳам танишингиз мумкин.**



## ПОВНОЛЛАРИМИЗНИНГ КАТТА ГАЛАБАСИ

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида дзюдо бўйича қадетлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси повноллари муваффақиятли иштирок этди.

### Спорт



Кадетлар мусобақасида учтадан олтин ва кумуш, олти бронза, жами ўн икки та медаль жамлаган терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу галабага Тошкент вилояти ёш дзюдочилари муносиб ҳисса қўшди.

Хусусан, вилоятимиз вакили Хуршидбек Абдусатторов эронлик Мустафо Рияхифар, тожикистонлик Умид Асматуллобеков ҳамда мўғулистонлик Сухбат Бямасурен устидан зафар қучиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига қўтарилди.

Ўғил болалар ўртасида Эдгар Григорян кумуш, Озодбек Муродов, Музаффар Тўрабоев, Зафарбек Ўрмоналиев бронза медалга лойиқ топилди.

Дзюдочи қизларимиздан Сита Қадамбоева, Ҳалима Курбонова олтин, Юляна Максетбоева, Моҳиниса Хусанова кумуш, Нилуфар Эрмагамбетова, Шукржон Аминова, Мадина Астанова бронза медални қўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги курашда ҳам Тошкент вилояти дзюдочилари маҳорат кўрсатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Артём Штурбабин кучли рақиблар – Жанубий корейлик Вхигеон Ким, япониялик Кенши Харада, эронлик Жаъфар Ферузободий ва Алириззо Хожастехдан устун келиб, Осиё чемпиони бўлди.

Мусо Собиров чемпионлик йўлида хиндистонлик Атор Сингх, саудиялик Абдуллоҳ Ҳамд, тожикистонлик Эроҳ Абдуллоев ҳамда мўғулистонлик Ботболд Булганни мағлубиятга учратди.

Шунингдек, мусобақада Бехруз Омондавалатов, Шермуҳаммад Жандреев, Манушер Широнов кумуш, Камрон Нуруллаев ва Алишер Юсупов бронза медалга эга бўлди.

Қизлар беллашувида Санобар Султонова ҳамда Гулнур Муратбоева шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Кимё Мамарасулова терма жамоамиз ҳисобига бронза медал қўшди.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.

### Билиб қўйган яхши

## ОВҚАТНИНГ ҲИДИ ХАМ... СЕМИРТИРАДИ

Маълумки, таомдан таралаётган оқимли ис иштаҳани кўзгади. Бу эса қўпинча меъёридан ортиқ овқат еб қўйишга сабаб бўлади.



Агар овқатнинг ҳиди унчалик оқимли бўлмаса, уни еиш истаги ҳам камади.

Калифорния университети мутахассислари овқатнинг ҳазм бўлиши ва калориянинг парчаланishi тезлиги таомдан таралаётган ҳидга боғлиқлигини аниқлашди.

Сичқонларда ўтказилган тажриба юқоридаги фикрларни исбот-

Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
**Ғайрат  
ШЕРАЛИЕВ**

Маълумият:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик  
кўчаси, 32.  
Электрон почта:  
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари  
Шартнома ва эълонлар:  
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:  
233-58-85 (факс)  
233-70-10  
233-79-96  
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08  
233-81-21, 233-65-59  
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида  
2011 йил 12 январда  
03-001 рақами билан  
рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Зоҳир ТОШХҲАЕВ**  
Назоратчи мусаввир  
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
Саҳифатовчи  
**Тоҳир МАҚМУДУДЖАЕВ**

## 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Ватан қаердан бошланади? Бунга ҳар ким ўзича жавоб бериши мумкин. Айтилик, бунақа савол билан Оҳангарон, Ангрен тарафларга бориб, рақдан бошланади-да", дейишлари аниқ...

## ҚУЁШ ЛАШКАРАКДАН НУР СОЧАДИ

– Лашкарак юртимизнинг энг чекка қишлоғи, – дейди 87 ёшли Бойзоқ бобо Тоштемиров. – Ҳар тонг қуёш ҳов ана, бизнинг тоғлар ортидан чиқиб, оламга нур таратади. Туғилган ернинг хунук-чиройлиги бўлмайди, болам. Аммо лекин, бу дунёда Лашкаракда нам гўзал жой бораканми? Пурвиқор тоғлар, яшил қир-адирлар, шарқироқ сойлар, турнакўз булоқлар макони-да, бизнинг қишлоқ...

Отаҳон ҳақ. Лекин, била-сизми, назаримизда, қишлоққа зеб бериб турган фақат табиат иноятлари эмас, бу ерда яшайётган мингга яқин меҳр-оқибатли, имон-эътиқодли одамлар – мард ва фидойи тоғлиқлар, десак, буям ҳақиқат.

Лашкаракда бўлмаган, қишлоқнинг содда ва танти одамларининг гурунгида баҳра олмаган, кўзада ивигилган қатиқнинг (айтандек, муҳташам савдо пештахталарида кўрган кўза қатигингиз билан адаштириб юборманг, тагин) мазасидан тотиб кўрмаган киши, ҳаётнинг жуда кўп гашту сафосидан бебаҳра экан, ҳали.

Бордию, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, аjoyиб ҳамкасбимиз Зарифа Эралиева депутатликка айнан шу ҳудуддан сайланмаганида, ҳар икки ойнинг бирини Лашкаракда нимадир тадбир ё маросим ташкил этмаганида, эҳтимол, биз ҳам бу тоғу тошларнинг ажиб тароватидан бебаҳар юрармидик?

Гап шундаки, ўтган шанба қишлоқда каттақон маросимда иштирок этиб, лашкаракликлар қувончига шерик бўлиб қайтдик. Биргина биз эмас, Ўзбекистон халқ артисти Мухаммадали Абдуқундузов, Республикада хизмат кўрсатган маданият ҳодими Муслимбек Йўлдошев, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Раҳматхон Тиллаев, Ангрен шаҳар ҳокими Иброҳимжон Раҳмонов ҳам қишлоқ аҳли ҳузурдаги самимий мулоқот ва диққат гурунларни узоқ эслаб юришса, ажабмас.

Шу кун бу ерда "Адолат" партиясининг вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиева та-шаббуси ва амалий кўмагида

маҳаллий тадбиркор Маназар Муродовнинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилган кўркам маҳалла гузарининг очиқиш маросими бўлиб ўтди. Бир жойнинг ўзида "Лашкарак" маҳалласи идораси, про-филактика нозири учун алоҳида бино барпо этилишидан ташқари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати учун ҳам махсус хоналар ташкил этилган одамларнинг кўнглидаги иш бўлибди. Яна шинамгина "Оталар чойхона"си, ҳаммом, дам олиш мажмуаси ҳам фаолият бошлагани лашкаракликларнинг замонавий туризм борасида ҳам имкониятлари



анча кенгайиб бораётганидан далолат, албатта. Қишлоқ аҳли билан бўлган очик мулоқотда одамлар ўзла-рини ўйлантираётган айрим масалалардан сўз очиб, қад-дон депутатлари, ҳокимлик мутасаддилари олдида муам-молар ечими борасида жўя-ли-жўяли мулоҳазаларни кўн-даланг қўйдилар.

Биргина мисол. Дадамат ота Мирзакаримов Лашкарак ва Нишбош қишлоқларини ўзаро боғлаб ўтувчи 20 кило-метрлик асосий автомобиль йўлини таъмирлаш масаласи анчадан буюн аҳолини ўйланти-риб келаятгани, "ана бўлади, мана бўлади" билан иш битмаётганидан нолиб қолди.

Дарҳақиқат, депутат Зарифа Эралиева неча йилдирки, ўз сайловчиларига бу бора-да, албатта, қўлидан келган барча ташкилий ишларни амалга ошириш ваъдасини

берган, ўзи ҳам шу йўлда ҳали у, ҳали бу идора эшигини қоқиб юрганди. Бинобарин, бу галги учрашувда қишлоқ-да биров бўлмаса, биров ал-батта, йўл масаласини кўтари-шини билган, шунга яраша муҳим бир гапни кўнглига ту-ғиб келганди. Шунда қишлоқ аҳли билдики...

Қаловини топса – қор ёнар-кан. Депутатнинг айтишича, саъй-ҳаракатлари қишлоқ аҳолининг умиди бесамар кет-мабди: Республика йўл жамг-армаси кўмаги билан шу йўлни мукамал таъмирлаш-га 2 миллиард сўм ажрати-либди. Айни пайтда пудратчи ташкилотлар аниқланиб, лойиҳа ҳужжатлари тайёрла-наётган экан.

Мана бун ишхушбар деса бўлади!

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**  
Нодирбек ТОҲИРОВ  
олган суратлар.

### Нега шундай деймиз?

#### Қўли қичиди

Бу ибора вазиятга қараб, бир неча маънода қўлланилади. Баъзан, шўхлик қилиб, яқинларига ташвиш ортти-радиган (масалан гулгурт ўйнаб, ўт қўйиб юборган) болага нисбатан: "Бола па-қирнинг қўли қичигани жуда қимматга тушди-да", де-йишади.

Эл орасида: "Ўнг қўл қичиса, пул топасан; чап қўл қичиганда эса, аксинча, пул кетади", дея ирим қилина-ди. Бу ибора гайрати жўшиб ишлашга, бирор вазифани бажаришга чанқоқлик сезиш маъносига ҳам қўлланилади.

#### Қўзи қонга тўлди

Одатда қутурган ит, буқа-га нисбатан шундай дейила-ди. Қўзи қонга тўлмоқ – қаттиқ ғазабланиш, эс-хуши-ни йўқотиш оқибатида юза-га келадиган оғир руҳий ҳолат бўлиб, инсонни қутл-маган қилишларга ундаши мумкин.

**Н. ТОҲИРОВ тайёрлади.**

### 101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоятимиз ҳудудига 10-16 июль кунлари 33 та ёнғин қайд этилди. Уларнинг 18 таси аҳоли уйларига тўғри келади. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 5 таси электр симларининг қисқа туташуви, 9 таси болалар шўхлиги, 17 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдала-ниш оқибатида содир бўлгани аниқланди.



Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси кунин", деб белгилангани муносабати билан, эндиликда соҳа ходим-лари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушун-тириш ишлари янада кенг кўламли ўтқа-зилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўли-мизда эканлигини унутмайлик.

**Тошкент вилояти  
ИИБ БҲБ.**

### ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 19 июль кунини Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, ёнғингарчи-лик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кеча-си 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўл-

майди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кеча-си 20-25, кундузи 35-40

даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли ҳудудла-рида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кеча-си 12-17, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

лади. Жониворлар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳдагиларнинг ҳид сезиш нейронлари йўқ қилинди. Сичқонларга уч ҳафта давомида ёғли овқатлар берилди. Натижада, биринчи гуруҳда вазн 10 фоиз ортигани ҳолда, иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич икки баро-бар юқори бўлди. Лекин, ҳид сез-майдиغان сичқонларда стресс гор-монлари даражаси кўтарилди.

Олимлар ҳид билиш тизими билан моддалар алмашинуви-ни бошқарадиган мия ҳудуди ўртаси-да узвий боғлиқлик бор, деган ху-лосага келишди.

**Интернет хабарлари  
асосида тайёрланди.**

Реклама ва эълонлар

# AGROBANK

## Fitch Ratings

халқаро рейтинг  
агентлиги 2017 йил 11 июлда

“Агробанк”  
акциядорлик тижорат банкининг  
халқаро рейтингини

## “Барқарор”

деб баҳолади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган